



« 03 » декабрь 2021-й.

№ 04-04/3-5480

« - »- 2021-й.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашига

Сизнинг 2021 йил 23 ноябрдаги 6/2457-сонли хатингизда кўрсатиб ўтилган Амударё, Беруний, Қараўзак, Бозатов, Қонликўл, Қонғирот, Тахиатош, Тахтакўпир, Хўжайли, Чимбой, Шуманай, Нукус туманларида аниқланган камшиликларни бартараф этиш мақсадида бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 августдаги “Фавқулодда вазиятлар хавфи содир бўлганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси аҳолисига хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш ва ривожлантириш тўғрисида”ги 601-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлигига қаршли объектлардаги ёнғин сигнализация билан жиҳозлаш ва қайта хизмат кўрсатич, ишчи-хизматчилар ва фуқораларни ўз вақтида огоҳлантириш учун товушли хабарлов қурилмаларини ўрнатиш, объектлардаги меъёр талаблари асосида ёнғин ўчиришнинг бирламчи воситалар билан таъминлаш, электр сим ва ташқи кабеллар ташқи ҳимоя қобикларининг электр токига қарши чидамлилиқ даражаси синовдан ўтказиш шунингдек, объектлардаги видео-кузатув мосламаларини бугунги кунда қайта текширувдан ўтказилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Республика бўйича 436 та таълим муассасаларига хабар бериш ва ахборот етказишнинг автоматлаштирилган тизиимини қуриш ишларини амалга ошириш белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулотда Вазиятлар бошқармаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда чора-табдирлар режаси ишлаб чиқилиб, молиялаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Вазир ўринбосари в.в.б

И. Балтабаев

